

# ПСИХОЛОГИЯ ФАНИДАН ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИНОВАЦИОН ЁНДАШУВ

ЖизДПИ, ўқитувчиси А.Собиров

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада психология фанидан индивидуал хусусиятларни ўрганишда иновацион ёндашувни амалга ошириш йўллари хусусида мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** иновацион ёндашув, ўқитиш, замонавий педагог, индивидуал хусусиятлар, қобилият.

Ўзбекистондаги туб ислохотлар инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори даражада кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллиги тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукамаллиги хусусида қайғуриш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Замонавий педагог кадрлар олдида қўйиладиган энг муҳим вазифалардан бири – малакали мутахассислар сифатида ўзини-ўзи тўғри баҳолаши, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилатлари ҳамда хислатларини билган ҳолда атрофдагиларга нисбатан оқилона муносабатда бўлиши ва унинг муҳимлигини англаган ҳолда фаолият юритишдан иборат. Бу ўринда педагог ўзининг ва ўқувчиларнинг фаолиятини тўғри идрок қилиши, регуляциясини зиддиятсиз ташкил этишда инсон руҳияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг ўрни ва роли бениҳоя катталигини билган ҳолда ундан амалиётда фойдаланмоғи муҳимдир.

Буларнинг барчаси бўлажак педагог-психологлар учун ўз иш фаолиятларини ташкил этишда катта ёрдам беради. Психологик билимлар таълим жараёнини, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини тўла ва оқилона бошқара олишларига кўмаклашади. Бу вазифаларни мукамал эгаллаш айниқса булғуси педагоглар учун зарур. Таълим-тарбия даврий эмас, у муттасил давом этадиган узлуксиз жараёндир. Педагог ўқувчилар учун ҳамма жойда ибрат бўлиши зарур. У ўз фанини яхши билиши билан биргаликда ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларини, индивидуал хусусиятлари ва ички дунёсини тушуна билиши лозим. Бу эса педагогик фаолиятда педагогнинг таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил этишга ва энг муҳими турли хил зиддияларни келтириб чиқармаслик ҳамда асаб тизими зўриқмаслигини таъминлайди.

Ушбу масалани маърузанинг мақсади талабалар психологик билимдонлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг психологик хусусиятларини ёритиш.

Талабаларни билим, малака ва кўникмаларини шакиллантириш асосан психология фанидан уюштираётган маъруза, ва семинар машғулотлари асосида бўлаётганлиги туфайли биз диққатимизни мана шу дарсларнинг самарадорлигини ошириш муаммосига қаратдик.

Талабаларда педагогик маҳоратни шакиллантириш ўқувчиларда ўзлаштириши керак бўлган шакл-тушунчаларнинг туб маҳияти ва махсус усулларни тушуниб етиш ва уларни ўқувчиларга етказиб бериш малакаларини шакиллантириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўқувчи шахси билан бўлган мулоқатда унинг фанга оид билим ва кўникмаларни мустақил ўзлаштиришига эришишдир.

Психологияда тушунчаларни шакиллантириш тафаккур муаммоси билан боғлиқ, шунинг учун ҳам шу мавзунинг ўтилганда, ҳар бир олийгоҳда шу мутахассисликнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур.

Ҳар бир фан асосларини талабалар томонидан самарали ўзлаштирилиши таълим жараёнини лойҳасини тузиш билан боғлиқ. Бунда педагогнинг диққат эътибори ўқув предметининг ўзига хос томонларини, шароитни таълим жараёнининг восита ва усулларини, энг муҳими талабаларнинг имконият ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишига қаратилиши зарур. Таълим жараёни мана шу тариқа уюштирилсагина қафолатланган натижага эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кун талаби ҳар бир талабани таълимнинг фаол иштирокчисига айланишига эришишдир.

Бунда ўқитувчилар томонидан ўқитиладиган ҳар бир дарсни мукамал ҳолатда кўра билиш, тасаввур этиш учун, ўтиладиган маъруза ва амалий машғулотларнинг тизим асосида ташкилий, вазифавий тузилмасини ишлаб чиқиш машғулоти самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Чунки ташкилий, вазифавий тузилма ҳар бир машғулоти, ўқитиладиган фан мавзуси хусусиятларидан, талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиб, дарс давомида талабанинг фаолиятини бошқариш имконини берибгина қолмай, балки талабалар фаоллигини ошириб ўтиладиган мавзунинг мазмунини самарали ўзлаштиришга олиб келади.

Қуйида биз психология фанидан шахснинг индивидуал психологик хусусиятларидан қобилият мавзуси бўйича биринчи курс талабалари билан олиб бориладиган маъруза ва амалий машғулотнинг инновацион технологиядан фойдаланиб ишлаб чиқилган ташкилий, вазифавий тузилмасини тавсия қиламиз:

<b>Машғулоти т ривож</b>	<b>Қўлланиладиган услуб</b>	<b>Вақ т</b>	<b>Восита</b>
<b>Мақсад, вазифалар</b>	<b>Мақсад:</b> - Талабаларга қобилият психологияси, унинг таркиби ва шаклланиш тартибини тушунтириш. <b>Вазифалар:</b> - Талабаларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш. - Мавзуга оид тарқатма материалларни тарқатиш.	10	Доска, маркерлар, слайд.

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Гуруҳ билан суҳбат мунозара ўтказиш.</li> <li>- Мавзуга оид тушунчаларни аниқлаш.</li> <li>- Мавзу асосида талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш.</li> </ul>		
<b>Ўқув жараёнин инг мазмуни</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Мавзуга оид асосий тушунчаларни тушунтириш.</li> <li>- Қобилят концепциялари.</li> <li>- Қобилят ва шахсинг бошқа хусусиятлари орасидаги боғланиш.</li> <li>- Қобилят турлари</li> <li>- Қобилятли болалар психологияси.</li> </ul>	10	
<b>Ўқув жараёнин и амалга ошириш технологии яси</b>	<p><b>Метод:</b> оғзаки баён қилиш, “Ақлий хужум”, “Идрок харитаси”</p> <p><b>Шакл:</b> баҳс – мунозара, маъруза.</p> <p><b>Восита:</b> Тарқатма материаллар, расм, слайд, доска.</p> <p><b>Усул:</b> тайёр ёзма материаллар, слайд.</p> <p><b>Назорат:</b> оғзаки назорат, кузатиш, ўз – ўзини назорат қилиш, савол жавоб.</p> <p><b>Баҳолаш:</b> рағбатлантириш 5 балли тизим асосида баҳолаш, ўз – ўзини баҳолаш.</p>	20  30	Қоғоз, фламастерлар, доска,  Тарқат ма материаллар
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<p><b>Ўқитувчи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади.</li> <li>- Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотиш.</li> <li>- Талабаларга мавзуни тез, осон, енгил тушунтириш.</li> <li>- Ўз олдига қўйган мақсадга эришиш.</li> <li>- Ўқитувчи дарс жараёнини тўлиқ назорат қилиш.</li> </ul> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Янги билимларни эгаллайди.</li> <li>- Нутқи ривожланади, фикрлашга ўрганади.</li> <li>- Янги мавзуни тез ва енгил ўзлаштиради.</li> <li>- Эслаб қолиш осонлашади.</li> <li>- Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.</li> </ul>	10	
<b>Келгуси режалар</b>	<p><b>Ўқитувчи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Интерфаол методларини ўзлаштириш, дарсга тадбиқ этиш, такомиллаштириш.</li> <li>- Ўз устида ишлаш.</li> </ul>		

<b>(тахлил, ўзгаришлар)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш.</li> <li>- Педогогик маҳоратни ошириш.</li> </ul> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Мавзуни мустақил ишлашни ўрганади.</li> <li>- Мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади.</li> <li>- Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади.</li> </ul>		
-----------------------------	--	--	--

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулот учун тузилган юқоридаги каби ташкилий-вазифавий тузулма унга ўз предметини яхлит тасаввур этиб талабалар томонидан эришилган натижаларни аниқлашга ёрдам беради. Машғулот тузилмасининг талабалар индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уларни таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига ёрдам беради, машғулот жараёнида талабаларни мустақил, эркин фикрлашга, ҳар бир масалага ижодий ёндошишга, масъулиятни сезиш, адабиётлардан унумли фойдаланиш, илмий изланишларга, танлаган касбига бўлган қизиқишларининг шаклланишига ёрдам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Қодиров Б.Р. “Истеъдодли болалар ва уларни танлаш методикаси” Тошкент – 1992
- 2.Ғозиев Э.Е. “Ўқувчиларни ўқув фаолиятини бошқариш”. Тошкент – 1988
3. Ғозиев Э.Ғ. “Умумий психология” 1-2-том. Тошкент-2002й.
4. Х. Ибрагимов, У. Йўлдашев, Х. Бобомирзаев “Педагогик психология”. Т-2007.
5. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” Тошкент – 2008 й.
- 6.Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 7.Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 8.Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 9.Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>
- 10.Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНИНГ АЙРИМ ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>

11. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>
12. Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>
13. Namdamov, N. (2020). Абу Наср Форобийнинг психологик қарашлари. Архив Научных Публикаций JSPI.
14. Namdamov, N. (2020). УЧУВЧИ РУҲИЯТИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
15. Namdamov, N. (2020). Психологияда ижтимоий интеллект муаммоси. Архив Научных Публикаций JSPI.
16. Hamdamov, X. (2021). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1374>
17. Axmedova, N. (2020). ОСНОВНЫЕ ПРАВИЛА САМОВОСПИТАНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5495](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5495)
18. Axmedova, N. (2020). ЎҚИТУВЧИ КАСБИГА ХОС СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5498](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5498)
19. Axmedova, N. (2021). БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕГРАТИВ ПРИНЦИПЛАР. *Мир исследований*, 1(1).
20. Axmedova, N. (2020). ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЮТУКУЛАРИДАН ОДИЛОНА ВА МАЦСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(52). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4918](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4918)
21. Axmedova, N. (2020). ЎҚИТУВЧИ КАСБИГА ХОС СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5498](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5498)
22. Axmedova, N. (2020). ОСНОВНЫЕ ПРАВИЛА САМОВОСПИТАНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
23. Axmedova, N. (2020). ОЙЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
24. Axmedova, N. (2020). ОЙЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

*Публикаций JSPI, 1(43).* извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5499](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5499)

25. Axmedova, N. (2020). Features Of Formation Of Punctual Abilities And Letters Of Letter Of Letter. *Архив Научных Публикаций JSPI, 23(1).*

извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/1562](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1562)

26. Munarova, Rano1970. (2020). Инновационные методы преподавания психологии и связь с педагогикой. *Архив Научных Публикаций JSPI, 20(1).*

извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/1601](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1601)